O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
4 октябрь
ШАНБА
№ 79
(12.090)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида 2 октябрь куни Тошкент вилоятида бўлди

Юқоричирчиқ тумани фермер хўжаликларининг аксарияти ғаллачилик ва пахтачиликка ихтисослашган.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини ана шундай хўжаликлардан бири – Дониёр Расулов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти билан танишишдан бошлади. Ушбу фермер хўжалиги жорий йилда 27,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 52 центнердан ғалла олди. 27,5 гектар майдонда эса пахта қийғос очилган.

Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмасдан, ютуқ ва марраларни изчил янгилаб бориш, хусусан, ер унумдорлигини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш, пировард натижада аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил изланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Туман ҳудудидан ўтадиган дарёлар, каналлар ва сойлардан қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда кенг фойдаланилади. Фермерларнинг минерал ўғит, ёнилғи, банк кредитлари ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари катта. Бу омиллар ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Президентимиз фермерлар, туман ва вилоятнинг мутасадди раҳбарлари билан мулоқот чоғида ҳосилдорликни янада оширишнинг муҳим омиллари, илм билан амалиётнинг ҳамкорлиги ҳақида тўхталди.

– Аввало, қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш амалиётига эътиборни тубдан ўзгартириш зарур, – деди Ислом Каримов. – Бунда мутахассислар, агрономлар, олимлар фермерларга яқин маслаҳатчи, керак бўлса ёрдамчи бўлишлари лозим. Айниқса, вилоят ҳудудида жойлашган пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари муайян майдонга қандай экинларни қай тартибда алмашлаб экиш мақсадга мувофиқ экани, қайси экинлар ерни қувватсизлантириши-ю, қайсилари тупроқ унумдорлигини ошириши ҳақида деҳқонларимизга аниқ илмий-амалий тавсиялар беришлари даркор.

Туманда икки хил – "Наманган-77" ва "С-65-24" ғўза навлари экиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари вилоят, туман тупроқ-иқлим шароитига мос янги ғўза навларини яратиш ва ўзлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда олимлар, агрономлар, соҳа мутасаддиларининг фермерлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

– Энг муҳими ва асосийси ерни эъзозлаш, унга меҳр бериш керак, – деди Президентимиз. – Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади, дейди халқимиз.

Юртбошимизнинг бундай сафарлар чоғида оддий одамлар билан учрашиши, дилдан суҳбат қуриши яхши анъанага айланган. Бундай учрашувлар мавжуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсия ва топшириқлар бериш имкониятини яратиши билан янада аҳамиятлидир.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ислом Каримов фермерларнинг қишлоқ хўжалигидан қандай фойда кўраётгани, юртимиздаги янгиланишлар қишлоқ аҳли ҳаёти ва тафаккурида қандай акс этаётгани билан қизиқди.

"Усмонобод" маҳалласи раисаси Шарифа Салимованинг айтишича, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик муҳити, амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самаралари кишиларимизнинг ҳаёт тарзи юксалиши мисолида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ушбу маҳалла ҳудудида яшайдиган аҳолининг қарийб 70 фоизи шахсий автомобилига эга. Ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган мактаб биносининг капитал реконструкция қилингани ўқитувчилар, ўқувчилар ва отаоналарнинг қувончига қувонч қўшган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби ушбу маҳаллада ҳам аҳоли фаровонлиги юксалиб бормоқда. Эҳтиёжманд оилаларга бепул чорва моллари бериш ва уларни харид қилиш учун эса банк кредитлари ажратиш амалиёти бунда яна бир самарали иш бўлди. Кейинги вақтда маҳалланинг 12 оиласи соғин сигирли бўлди. Соғин сигир – қут-барака манбаи. Оилага инъом этилган чорва моли нафақат рўзғор тебратиш воситаси, айни чоғда яхшигина даромад топиш учун ҳам имконият, демакдир.

Президентимиз оиларга чорва моллари тарқатилиши қишлоқ аҳли учун катта кўмак бўлаётганини қайд этаркан, келгусида бу борадаги ишларни янада кенгайтириш зарурлигига эътиборни қаратди. Зеро, ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳар бир оилада соғин сигир бўлишини, демакки, ҳар бир боланинг табиий сут маҳсулотлари истеъмол қилиши ва шу тариқа соғлом вояга етишини таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, жойларда ем сотадиган шохобчалар, махсус дўконлар ташкил этилган. Бу қишлоқ аҳолиси учун қулайликлар яратишнинг амалий бир кўринишидир. Ҳозирги кунда Юқоричирчиқ тумани ҳудудида ўн битта ана шундай дўкон ишлаб турибди. Мамлакатимиз раҳбари бундай шохобчаларда кунжара, шелуха, шрот каби чорва емларининг эркин ва узлуксиз савдосини йўлга қўйиш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президентимиз Ўртачирчиқ туманидаги "Аширмат Каримов" фермер хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини замон талаблари даражасида барпо этиш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини янада кўпайтириш имконини бермоқда. Буни 831 фермер хўжалиги фаолият юритаётган Ўртачирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Фермерлик ҳаракати инсон манфаатларига хизмат қилмоқда, – деди Юртбошимиз. – Фермер – универсал деҳқон. Ернинг аҳволи, қилинган меҳнат, етиштирилган ҳосил фермер ишига баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан саналади. Биз қишлоқ хўжалигида эришаётган ютуқларимиз асосини мана шу омиллардан излашимиз керак.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

– Ҳақиқатан, ерларимизнинг мелиоратив ҳолати талаб даражасида эмасди, – дейди "Мадониз" фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Аҳмедов. – Бу борадаги муаммолар изчил ҳал этилмоқда. Шу пайтга қадар туманимиз бўйича 100 километрлик зовурлар тозаланди. Фермерларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларнинг самарасини ўз фаолиятлари мисолида яққол кўрмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган ҳудуд сифатида мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Юртбошимиз Пскент туманидаги "Маҳмуд Қосимов" фермер хўжалигига ташриф буюрди. Ушбу хўжалик жорий йилда 52 гектарга ғалла экиб, 62 центнердан ҳосил олди. Хўжалик раҳбари Мирвосит Мирмаҳмудовнинг айтишича, пахта тайёрлаш ҳам мўлжалдагидан ошириб бажарилади.

Хўжаликда 2007 йили 28 киши меҳнат қилар эди. Жорий йилда полиз экинлари, боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачилик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига бу кўрсаткич қарийб икки ҳисса ошди. Хўжалик битта мактаб-интернат ва болалар боғчасини оталиққа олиб, таъмирлаш ишлари, турли тадбирларни ўтказишда уларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Президент Ислом Каримов мазкур хўжалик дала шийпонида вилоят фермерлари ва фаоллари билан учрашди.

– Бугун мамлакатимизни равнақ топтиришда фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалмоқда, – деди Ислом Каримов. – Фермерлар нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқларимизни ободонлаштириш, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Фермер хусусий мулкдор сифатида меҳнатни замонавий асосда ташкил қилади, манфаатдорлиги туфайли иш унумдорлигини муттасил ошириб боради. Шунингдек, фермерларимиз хайрли ишларга бош қўшмоқдалар.

Илгари биз фақат пахта етиштириб, бошқа маҳсулотларни четдан келтирар эдик. Истиқлол йилларида пахта майдонлари қисқариб, бошқа экинлар учун ажратилган майдон тобора кенгаймоқда.

Бундай ўзгаришларни Пскент тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган бир йилда туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, Хитой ва Эрон ишбилармонлари билан ҳамкорликда иккита қўшма корхона, янги коллеж ва янги мактаб барпо этилди. Жорий йилда туманда 20 минг тоннадан зиёд ғалла етиштирилди. Туман пахтакорлари 30 минг тонна пахта тайёрлаш ниятида.

Мамлакатимиз раҳбари фермерликни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига тўхталди.

Учрашувда Оққўрғон туманидаги "Азизбек Умр" фермер хўжалиги раҳбари Р. Умиров, Бўка туманидаги "Мўминобод" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Н. Шоматова, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори М. Қурбонова, Қибрай туманидаги "Байтқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Д. Салимова, Зангиота туманидаги "Иттифоқ мева-сабзавотлари" агрофирмаси раҳбари Ҳ. Йўлчиев ва бошқалар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар. Бу халқимиз, айниқса қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Ғулом МИРЗО,
Воҳид ЛУҚМОН,
Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси оллидан

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида, жумладан пахтачиликда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Бунда қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар, илғор агротехника ютуқларини жорий этиш, уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, зараркунандаларга қарши курашиш билан боғлиқ чоратадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимининг такомиллаштирилиши тола сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда.

Пахта хом ашёсини дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самарадорлигини оширишда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналар муҳим ўрин тутади. Тизим корхоналари уруғлик чигит тайёрлашдан етиштирилган ҳосилни қабул пунктларига етказиб келтиришгача бўлган жараёнда пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқларимиз қиёфаси

ҚОВУНЧИНИ БИР КЎРИНГ

Ҳаёт – жумбоқларга тўла. Гоҳида ўйламай қўйилган қадам наинки кейинги авлодлар, балки бугунги кун учун ҳам армон бўлиб қолади, қадриятларимизга путур етказади, тарихимизга ўчмас тамға бўлиб босилади.

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ёзганидек, "Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин". "Мўъжаз ватан" – туғилиб ўсган шаҳри ёки қишлоғи билан фахрланиш туйғуси қалбидан жой олмаган киши она-Ватанни чин кўнгилдан севолмайди, у билан фахрлана олмайди. Бу икки туйғу уйғунлашиб, Ватанга муҳаббатга айланиши одамларга куч-қувват бағишлайди. Келажакка ишончни кучайтиради.

Шу мулоҳазаларни хаёлимдан ўтказиб, беихтиёр Янгийўл туманидаги бир учрашувни, ўз қишлоғини шу азиз она-Ватанимизнинг обод бир гўшасига айлантириш мақсади билан яшаб, меҳнат қилаётган кишиларнинг сўзларини эсладим. Ўшанда Эски Қовунчи қишлоғи оқсоқоллари билан мириқиб суҳбатлашгандик.

– Аслида Қовунчи таъриф-тавсифи етти иқлимга ёйилган тарихий бир қишлоқ эди, – деди кўп йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Норпошша Йўлдошева. – Буюк ипак йўли устида жойлашган қишлоғимизда етиштирилган ширин-шакар қовунлар мағрибу машриқ бозорларига етиб борар, олис-олис юртларда тансиқ неъмат ҳисобланарди...

Ўтган асрнинг биринчи чораги охирларида Қовунчи қишлоғининг бир қисми асосида туман маркази ташкил этилди. Дастлаб уни Янги Қовунчи деб аташди. Кўп ўтмай, Янгийўл деб ном берилди. Ўша кезлари қишлоқнинг бир қисмига Эски Қовунчи номини бериш ҳақида қарор қабул қилинди-ю, бу ном гуллаб-яшнаётган бутун бир қишлоқ учун ҳали-ҳануз ўчмас тамға бўлиб келаяпти.

Бугунги Эски Қовунчи – бу музофотдагина эмас, балки бутун вилоятимизда энг сергавжум, катта бир қишлоқ. Етти маҳалласи 4100 хонадон бор, уларда 5775 оила истиқомат қилади. Йил бошидаги рўйхатга кўра, қишлоқ аҳолиси 23 минг 250 кишидан ортиб кетди.

– Қишлоғимиздан таниқли олимлар, давлат ва жамият равнақига салмоқли ҳисса қўшаётган ташаббускор инсонлар етишиб чиқмоқда, – дейди фуқаролар йиғини раиси Абдували Абдуқодиров. – Миллий мустақиллик ҳамқишлоқларимизга салоҳият ва истеъдодларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар очиб берди.

Дарҳақиқат, қишлоқни айлансангиз, ўз тақдирларини ўзлари яратаётган, қобилиятларини тобора тўла намоён этаётган кишилар билан учрашасиз. "Қосимбек Барака" ва "Дилфуза Муроджон" фермер хўжаликларининг раҳбарлари Рустамбек Ҳамробеков, Абдуғани Юсупов, шунингдек, Тешабой Исабоев, ака-ука Анвар ва Мираҳмад Мирсодиқовлар сингари тадбиркорлар, тижоратчилар қишлоқни обод қилиш, янги иш ўринлари очиш, турмушни фаровонлаштириш мақсадида янги-янги ташаббуслар, бизнес-режалар билан чиқишаяпти.

Бу йилги ниҳоятда мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳам Эски Қовунчи далаларида пахта, ғалла, бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан баракали ҳосил етиштирилди. Фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган замонавий омборлар қуришяпти, олис-яқин хориж мамлакатларидан энг сўнгги авлод қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа асбоб-ускуналари сотиб олиб, ишлаб чиқаришнинг моддий-техник асосини мустаҳкамлашяпти.

Маҳаллаларда обод гузарлар шаклланиб, қишлоқ инфратузилмаси ривож топмоқда. Етти новвойхона, саккиз сартарошхона, озиқ-овқат, маданий ва хўжалик буюмлари билан савдо қилувчи янги-янги дўконлар очилаяпти. Олти қишлоқ врачлик пункти ходимлари тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга аҳоли ўртасида санитария-гигиена билимларини тарғиб қилиш, катта-кичикда тиббий маданиятни юксалтириш билан жиддий шуғулланишаётир.

(Давоми 2-бетда).

КАТТА КУЧ ВА САЛОҲИЯТ ЭГАЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Жамиятимиз тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ёш авлод ва уларнинг таълим-тарбиясига масъул бўлган ўқитувчи ҳамда мураббийларга Юртбошимиз йўллаган табрикда чуқур ҳурмат ва эҳтиром изҳор этилиб, "Катта куч ва салоҳият эгалари" дея таъриф берилди.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг бир миллиондан зиёд таълим соҳаси ходимлари қаторида вилоятимиз ўқитувчи, мураббийларининг ҳам юртимиз ёшлари камолотида салмоқли ҳиссаси борлигини ифтихор билан эътироф этиш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш ҳақидаги кўрсатмалари асосида амалга оширилаётган тадбирлардан яна бири Пскент туманида бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган энг фидойи, заҳматкаш ўқитувчиларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари топширилди. Бундай эътироф ва эътибордан мамнун бўлган олмалиқлик ўқитувчи Муҳтарама Аббосхонова шундай дейди:

– Бизга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан қувончу ҳаяжонимиз чексиз. Айниқса, Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийларни "Менинг энг яқин кўмакчим ва маслакдошларим" дея ишонч билдирганларидан кўксимиз фахр ва ғурурга тўлди. Бу ишончни оқлаш учун бор билим ва иқтидоримизни ишга солиб меҳнат қиламиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

МАҲАЛЛАДА БИРИНЧИ ЙИГИТ

Чегара қўшинларидаги намунали хизмати ва мустаҳкам ҳарбий интизоми туфайли "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланган сержант Ёқубжон Жўраев билан суҳбат.

– Айтингчи, Ёқубжон, нима сабабдан ҳарбий касбни танлагансиз?

– Биласизми, ёшлигимданоқ ҳарбий либос кийишни орзу қилардим. Маҳаллада бирор йигитнинг хизматдан келганини эшитсам, югуриб бориб ҳарбий кийими қанақалигини кўриб келардим.

У пайтлар ўзбек йигитлари узоқ юртларда хизмат қилишарди. Уларнинг кўкраклари нишонларга тўла бўларди. Келажакда мен ҳам хизматни аъло даражада ўтаб, кўкрагим нишонларга тўлиб қайтишни ният қилардим.

– Ҳарбий хизматнинг дастлабки кунлари қандай таассуротлар қолдирган?

– Хизматни дастлаб Чирчиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида бошладим. Ҳарбий юмуш мен ўйлаганчалик енгил эмас экан. Айниқса, дастлабки кунлар қийин кечди. Нега десангиз бу ердаги тартибларга кўникиш осон бўлмади. Қолаверса, қуролдошлар билан қандай тил топишаман деган ўй хаёлимдан ўтди. Лекин мен ҳарбий хизматнинг барча сир-асрорларини пухта ўрганишга ва жамоадаги барча дўстларим билан тил топишишга астойдил ҳаракат қилдим. Бунинг уддасидан чиқдим, десам муболаға бўлмайди, чунки кўплаб дўстлар орттирдим. Ҳозирги кунгача бир-биримизни йўқлаб турамиз, оиламиз ҳам дўстлашиб кетган.

– Чегара хизмати қайси қирралари билан сизни қизиқтиради?

– Қўлингизда қурол билан Ватан сарҳадини қўриқлашга буйруқ олсангиз, ортингизда она-Ватан, отаонангиз, барча юртдошлар, уларнинг эзгу орзу-умидлари турганлигини ҳис қиласиз. Шундай экан, бир зум бўлсин, масъулиятни ёддан чиқариш мумкин эмас. Озгина қалтис ҳаракатингиз, ёки сергакликни сусайтиришингиз тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шуларни ҳис қилган ҳолда Ватан сарҳадларини қўриқлашда сергакликни йўқотмай, ўз вазифаларимни бажаришга ҳаракат қилаяпман.

Дарвоқе, маҳалладошларим орасида биринчи бўлиб чегара қўшинларида хизмат қилиш менга насиб этди ва бу мен учун катта шараф. Ахир, маҳаллада биринчи чегарачиман.

– "Содиқ хизматлари учун" медали билан мукофотланганингиз ҳақидаги хабарни қандай қабул қилдингиз?

– Илгари ҳам Қуролли Кучлар ташкил топган кун муносабати билан бир неча бор кўкрак нишонига сазовор бўлганман. 2008 йилда эса, Қуролли Кучларимизнинг ташкил топганига 16 йил тўлиши муносабати билан, камтарона хизматим Юртбошимиз томонидан юқори баҳоланиб, мени "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирлашди. Бу нафақат менга ва хизматимга, қолаверса, устозларим ва ҳарбий жамоамга кўрсатилган эътибор ҳамда ишонч белгиси деб биламан.

– Ёқубжон, хизматдан таътилга чиқиб, қишлоғингизга борган пайтингизда маҳалладагилар қандай муносабатда бўлишади?

– Шу йил баҳорнинг дастлабки ойларини уйда ўтказишга тўғри келди, чунки қиз фарзандли бўлдик. Шу муносабат билан уйга борган вақтимда маҳалладагилар, айниқса, қария отахонларнинг мендан жуда хурсанд эканлигини кўрдим. Уларнинг айтишларига қараганда, олдинги вақтларда ҳарбий хизматга борганлар бундай ютуққа эришмаган эканлар. Мен қишлоғимизда мустақиллик йилларида давлат мукофотини олган биринчи ҳарбий эдим. Бундай шон-шараф туфайли отаонамнинг бошлари осмонга етди. Мен учун уларнинг қувончи ҳар нарсадан устун.

– Ёқубжон, одатдаги савол: келажак режаларингиз қандай?

– Мен умримни ҳарбий хизматга бахшида қилганман. Бундан фақат обрў-эътибор топдим. Ота-онам ҳам бу қароримдан мамнун. Шундай экан, энди мен офицерликка интилиб хизмат қилишим керак. Мақсадим – маҳалламиздан чиққан биринчи офицер бўлиш.

Катта лейтенант Ғайрат ЎРОЗБОЕВ суҳбатлашди.

Қишлоқларимиз қиёфаси

ҚОВУНЧИНИ БИР КЎРИНГ

Соғлом, маънавий етук ёшлар қишлоқнинг келажагини белгилайди. Вояга етмаган 7890 ўғил-қиз етти мактабда таълим-тарбия олишаяпти. Кейинги йилларда бу билим масканлари қайта таъмирланди, таълим жараёнларига замонавий педагогик технологиялар олиб кирилди. Натижада ўқитиш савияси кўтарилиб, ўқувчилар пухта билим олишаяпти. Коллежлар, бошқа ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишишга интилаётган ёшлар кўпайиб бораётганлиги бунинг далилидир. Олий ўқув юртларида контракт асосида билим олаётган йигит-қизларнинг шартнома тўловларини фермерлар ва бошқа тадбиркорлар ўз зиммаларига олишаяпти.

– Албатта, катта қишлоғимизнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор, – дейди оқсоқол. – Уларни ҳамжиҳатликда ҳал қилаяпмиз. Чунончи, ногирон болаларни ҳомийлар ёрдамида иссиқ кийим-бош билан таъминладик. Икки оиланинг ногирон фарзандларини уйда ўқитишни йўлга қўйдик. Уларга тўла компьютер жиҳозлари олиб берилди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг коммунал хизматлари учун тўловларига ҳам ҳомийлар ёрдами беришаяпти. Умуман, ҳомийлар саъй-ҳаракати билан 62 оиланинг газ, 126 оиланинг электр учун 4 миллион 400 минг сўмлик тўловини улар қоплаб беришди.

Шу пайтгача Жамбул ва Каримқулов маҳаллалари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинмай қолаётганди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 31 миллион сўмлик иш бажаришга киришилди. Писталик маҳалласида эса, бу муаммони ҳал этишнинг ўзгача усули топилди. Оқсоқол Тоҳиржон Қаюмов саъй-ҳаракати билан 30 миллион сўмлик янги қудуқ лойиҳаси тайёрланди. Ғишт заводи раҳбарлари бу иш учун маблағ ажратишди. Қудуқ қазилиб, тоза сув чиқаётир. Ҳозир уни қувурларга улаш давом этаяпти.

– Кўриниб турибдики, қишлоғимиз аҳолиси турмуш даражасини кўтариш учун тинмай изланмоқда, – дейди уруш қатнашчиси Абдулла Хўжаев. – Давлатимизга раҳматки, "Ўйла, излан, имкониятларни ишга солиб, тўкинчиликда, маъмурчиликда яша" деяпти. Аммо саксон йилдан ошдики, бир армон қишлоғимиз аҳолисига йўлдош бўлиб келаяпти. Айниқса, озод, эмин-эркин яшаб, ўз ҳаётимизни ўзимиз гуллатиб-яшнатаётган бугунги шароитда бу кўп кўнгилларда оғриқли дардга айланган. Мен қишлоғимиз номидаги сифатни назарда тутаяпман. Бир пайтлари чуқур ўйламай қабул қилинган қарор туфайли сақланиб келаётган "Эски" сифати бугун гуллаб-яшнаб, обод бўлиб бораётган Қовунчи қишлоғи қиёфасига ярашмай қолди-да.

Қариянинг фикрида жон бор. Қишлоқ номини асли тарихий ҳолида тиклаш азалий қадриятларга эҳтиром ҳам. Бу қанчалик тез амалга оширилса, шунча яхши. Зеро, Қовунчи қадим замонлардан маълум ва машҳур қишлоқ. Мустақиллик йилларида эса у асл моҳияти билан қайта қад ростламоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ИНСОНПАРВАРЛИК АКЦИЯСИ

Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда "MEDILIFE-FARMA" диабет маркази ҳамкорлигида 2000 дона "Сателлит" глюкометрлар хаста болаларга тарқатилди.

Қарийб икки ой давом этган мазкур инсонпарварлик акцияси доирасида мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудлари қатори вилоятимиздаги қандли диабет билан хасталанган болалар ўзини-ўзи назорат қиладиган глюкометрларга эга бўлдилар.

Гофур РАҲИМОВ.

IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси олдидан

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 14 мартда қабул қилинган "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони уюшма таркибидаги корхоналар ривожида муҳим омил бўлаётир.

– Мазкур ҳужжатда юқори технологияларни ва замонавий бошқарув тизимларини қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг техник самарадорлигини оширишга оид устувор вазифалар белгилаб берилган, – дейди "Ўзпахтасаноат" уюшмаси корхоналарни модернизация ва реконструкциялаш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Мансуров. – Бу уюшмамиз зиммасига катта масъулият юклайди. Тармоқ корхоналарини замонавий технологиялар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Шу мақсадда тизимдаги корхоналарда пахтани қуритиш ва тозалашда замонавий ускуналардан фойдаланиш, тола чиқишини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2007-2008 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Навоий ва бошқа вилоятлардаги ўн тўртта пахта тозалаш корхонасида модернизация ва реконструкция, 41 корхонада эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишлари бажарилди. Ушбу корхоналарга юқори унумли ускуналарнинг ўрнатилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини берди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган сарф-харажатларнинг ва маҳсулот таннархининг камайишига олиб келди.

Бундан ташқари, қийин тозаланадиган селекция навларига мансуб пахта хом ашёсидан юқори сифатли тола олишни кўпайтириш ҳамда жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, пахта хом ашёсини қуритишда фойдаланиб келинаётган унумдорлиги паст, газ ва суюқ ёнилғида ишловчи генераторлар ўрнига универсал, иссиқлик берувчи юзга яқин генератор ўрнатилди. Тозалаш унумдорлиги паст бўлган тозалагичлар ўрнига эса замон талабига мос "ХК" ва "УХК" линиялари ишга туширилди. Натижада тола чиқиши 0,2 фоизга, жойларда ўртача бир кунлик ишлаб чиқариш 8 тоннадан 20 тоннагача ошишига эришилди. "Олий" синфга мансуб тола 5 фоизга, "Яхши" синфга мансуб тола улуши 7 фоизга кўтарилди.

Тизимдаги пахта тозалаш корхоналари тасарруфида, пахтани тўғридан-тўғри фермерлардан қабул қилиб, қайта ишлашга етказиб берадиган 462 тайёрлов пункти фаолият юритиб келаётир. Улар жорий йилда 95 мингдан ортиқ фермер хўжалиги билан пахта хом ашёсини қабул қилиш борасида шартнома имзолаган.

Айни вақтда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини юқори савияда ўтишини таъминлаш, 2008 йил пахта ҳосилини узлуксиз қабул қилиш ва сифатли сақлаш учун пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, корхоналарда ўн мингта ғарам майдони, уч минг донадан зиёд пахтани қабул қилувчи, қарийб уч мингта транспортёр, етти юздан ортиқ автотарози, ёнғинга қарши қарийб мингта сув сақлаш ҳовузи ва ўт ўчириш машиналари сифатли таъмирланди. Шунингдек, пахта хом ашёси сифат кўрсаткичларини аниқловчи 764 лабораторияга зарур ускуналар ҳамда пахта намлиги, ғарамлар ҳароратини ўлчайдиган ўлчагичлар етказиб берилди.

Соҳада бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар деҳқонларимиз етиштирган пахтани жаҳон бозорига олиб чиқишда янги имкониятлар яратади.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси.

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда 2-3 октябрь кунлари "Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш – жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан Европа Иттифоқи комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда эксперт, таҳлилчи ва журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М. Усмонов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ушбу декларация қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жумладан, ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

Юртимиздаги оммавий ахборот воситаларини либерализация қилишга бағишланган кўплаб семинар-тренинглар ва медиа-форумлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йил июнь ойида Европа, Осиё ва Америка мутахассис ва экспертлари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур семинар ана шу мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.

Семинар иштирокчилари демократик жамият барпо этиш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятига халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари ва демократик андозаларни жорий этиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда "Uzbekistan Today" газетаси таҳририяти фаолияти билан танишдилар.

ЎзА.

АҲОЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Қибрай тумани ички ишлар бўлимининг ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси вилоятдаги ёнғиндан муҳофаза қилувчи тузилмалар орасидан энг намуналиси деб топилди.

Кейинги йилларда туманда мазкур хизматнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилиб, ўт ўчирувчиларнинг билим ва малакалари муттасил ошириб борилаётир. Бу борада маҳаллий ўзиниўзи бошқариш органлари билан қилинаётган яқин ҳамкорлик қўл келмоқда. Ана шундай ҳамкорлик натижасида Ёнариқ қишлоғида барча шароитларга эга бўлган ёнғинни ўчириш қисми ташкил этилди. Қисм биноси ҳашар йўли билан бунёд бўлди.

Айни кунларда ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олиш чораларини кўрмоқдалар.

Алишер РАҲМАТОВ.

XXI аср ва ДУНЁ

700 ГРАММЛИ ПРИНТЕР

Канаданинг "Planon" компанияси митти Bluetooth-принтер ишлаб чиқарди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, "Printstik PS950" номли бу қурилма Bluetooth модулли телефон ва ноутбукдан маълумот олиб, қоғозга кўчириш хусусиятига эга. Етти юз грамм келадиган митти принтернинг бўйи йигирма беш, эни икки юз саксон миллиметрни ташкил қилади. Дақиқасига уч бет чоп эта оладиган бу асбоб ҳозирча икки юз фунт стерлингга (тахминан уч юз эллик АҚШ долларига тенг) баҳоланяпти.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЁҚИМЛИ ИШТАҲА

Бразилиянинг Санта-Катарина штатида жойлашган айрим мактабларда нонуштага моллюскалар бериладиган бўлди. Шифокорларнинг таъкидлашича, бундан кўзланган асосий мақсад болалар организмини ёғ босиши оқибатида юзага келадиган касалликларнинг олдини олишдан иборат.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, тўйимли, лекин камқувват моллюскалар ўқувчиларга манзур бўлса, бундай нонушта Санта-Катаринанинг барча мактабларида ҳам жорий қилинади.

АТРОФ-МУҲИТГА БЕЗАРАР

Италияда водород билан ишлайдиган дунёдаги биринчи электр станцияси барпо этилади. Хабарларга қараганда, лойиҳа "ЭНЕЛ" компанияси томонидан амалга оширилади. Компания президенти Фульвио Контининг сўзларига кўра, қурилажак янги станция атроф-муҳитга зарар етказмайди.

Водородли электр станциясини 2009 йилда ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳага қирқ етти миллион евро миқдорида маблағ сарфланиши кутилмоқда.

АБОНЕНТЛАР СОНИ 4 МИЛЛИАРД

БМТнинг Ҳалқаро электр алоқаси иттифоқининг маълум қилишича, сўнгги йилларда дунёда мобиль алоқа тармоғи фаол ривожланмоқда ва ундан фойдаланувчилар сони тобора кўпаймоқда.

Ташкилот вакилларининг сўзларига кўра, жорий йилда дунёда мобиль алоқа абонентлари сони тўрт миллиардга етган.

2000 йилда мобиль алоқа абонентлари сайёрамиз аҳолисининг ўн икки фоизини ташкил қилган. Соҳа мутахассисларининг айтишича, 2008 йил охирига бориб ушбу кўрсаткич олтмиш фоиздан ошади.

ЎзА.

Нишондорларимиз

СУЛОЛА ЗАНЖИРИ УЗИЛМАЙДИ

...1991 йилнинг август ойи охирлари. Гулидани тегирмон машинисти қилиб ўтказишди. Эндигина йигирма уч баҳорни қаршилаган аёл учун бу жуда катта масъулият эди. Ахир улкан цемент корхонасининг асосий цехида, яна кимсан тегирмон машинисти бўлиб ишлаш оддий ўзбек аёли учун осон эмасди. У бунгача завод лабораториясида беш йил оддий лаборант бўлиб ишлаганди. Ишлар бирданига бунақасига айланиб кетди. Нима қилса экан? Мураккаб тегирмон машиналарини бошқариш, деярли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди.

Убайд – Оҳангарон саноат ҳудудининг биқинида жойлашган сўлимгина қишлоқ. Ўтган асрнинг 60-йилларида Оҳангаронда цемент заводи ишга тушиши билан турдош корхоналар ҳам қурила бошлади. Асосан чорвачилик билан шуғулланувчи бу қишлоқ одамлари секин-аста саноатчига айланишди. Гулиданинг отаси Абдужаббор Абдусатторов тош тарашлаш заводида машинист, онаси Маҳсуда опа эса темир-бетон заводида плита қолиплаш машинисти бўлиб ишлашарди. Гулидага биринчи бўлиб улар далда беришди.

– Биз машинист бўлиб туғилибмизми, Гули қизим, – деган эди ўшанда отаси. – Онангдан ибрат ол. Аслида бизнинг касбимизни давом эттираяпсан, машинистлар сулоласига айланаяпмиз. Одам қилган ишни одам қилади, бўш келма, ёнингда биз бормиз. Қолаверса, жамоангда ишлайдиганларни яхши биламан, улар ҳам ёрдамларини аяшмайди. Завод ишчилари бир-бирига ғамхўр, елкадош бўлишади. Сен астойдил ишлашинг керак. Чунки Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш энди сен каби ёшларнинг қўлида.

Отасининг айтгани бўлди, цехдагилар ҳам қараб туришмади. Тошбуви Эргашева, Нина Костенко, машинист Наби Носиров Гулидага ҳар томонлама кўмакдош бўлишди. Жамоадаги меҳр-оқибат, инсонийлик ёш мутахассиснинг кучига-куч қўшди, илҳомлантирди.

Корхоналарнинг умри ҳам инсонникига ўхшайди. Баъзан гуркираб яшнайди, баъзан қийин аҳволда қолади. "Оҳангаронцемент"да ҳам шундай бўлди, оғир даврлар анча чўзилди. Корхона қўлдан-қўлга ўтавериб, қаттиқ толиқди. Кўпчилик бошқа жойлардан иш, ризқ-насиба излаб кетди. Лекин корхонанинг ўзагига айланган жамоани сақлаб қолиш учун курашган фидойилар ҳам кўп эди. Улар сафига ҳеч иккиланмай Гулида Абдужабборовнани ҳам қўшиш мумкин. Завод бир кун ҳам тўхтамади. Баҳоли қудрат ишлаб турди. Цемент ва бошқа қурилиш ашёлари сув ва ҳаводай зарур эди.

Гулида Эшонқулова ана шундай корхонанинг юраги – энг асосий цехида мана 17 йилдан буён меҳнат қилмоқда. Мустақиллик шарофати, кўп минг кишилик аҳил жамоанинг катта меҳнати эвазига корхона нафақат қаддини тиклади, балки, айни пайтда, жаҳон бозорига чиқмоқда. Корхона қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича дунёда саккизинчи ўринда турувчи Россиянинг "ЕВРОЦЕМЕНТ груп" холдинги сафига қўшилгач, янада ривожлана бошлади. Янги технологиялар ишлаб чиқаришга дадил жорий этилмоқда. Хом ашё етказиб берувчи ва тайёр маҳсулотни ташувчи энг замонавий техника ва транспорт воситалари мунтазам харид қилинмоқда. Раҳбариятнинг ишга, ишчига муносабати таъмомила ўзгариб кетди, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Атроф-муҳитни ифлослантирмаслик учун экологик тадбирларга катта миқдорда маблағ сарфланмоқда. Корхона ҳудудига кирган кишининг кўнгли қувнайди. Бу ерда ҳар йили "Биз шу ерда яшаймиз ва меҳнат қиламиз" экотадбири ўтказилади ва йил давомида ободончиликка қаратилган экологик ҳашарлар уюштирилади. Замонавий тиббиёт маркази ишчи-ходимлар соғлигини тиклашга хизмат қилаяпти.

– Шундай шароитда астойдил ишламасак, қачон ишлаймиз, – дейди Гулида фахр билан. – Ахир ҳар ойда ярим миллион сўм атрофида маош оламиз. Бу – мукофотлардан ташқари. Иссиқ овқат учун 53 минг сўмлик чипта берилади. Соғлигимизни ўз шифокорларимиз мунтазам назорат қилиб борадилар. Йилига бир марта санаторий-профилакториймизга бепул йўлланма беришади. Фарзандларимиз учун оромгоҳ йўлланмаси ҳам корхона ҳисобидан. Кўриб турганингиздай ижтимоий ҳимоя бизда жуда кучли. Бунинг қадрига етиб ишлашимиз керак.

Ҳа, ҳар ким ўз иш жойи ҳақида ана шундай фахр билан гапирадиган замонлар келаяпти. Мустақилликнинг 17 йиллиги муносабати билан Гулида Эшонқулова "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бу хушхабар билан уни биринчи бўлиб жамоадошлари, корхона маъмурияти табриклади.

– Опам билан фахрланаман, – дейди Гулиданинг синглиси, шаҳардаги 3-мактаб ўқитувчиси Умида Алимова. – Нафақат ишда илғор балки ҳавас қилгулик оила бекаси ҳам. Поччамиз Анвар Эшонқулов билан биргаликда икки ўғил ва уч қизни вояга етказишмоқда. Тўнғич қизи Диёра саноат касб-ҳунар коллежида тегирмон машинисти касбини эгалламоқда. Демак, сулола занжири узилмайди.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

Спорт ... Спорт ... Спорт

БИАТЛОНЧИЛАРИМИЗ ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Шу йилнинг 18-30 сентябрь кунлари Францияда ўтган ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Руслан Носиров катталар ўртасида бронза медалини қўлга киритган бўлса, яна бир иқтидорли спортчимиз Анузар Юнусов ўсмирлар беллашувида иккита олтин медалга сазовор бўлди.

Тошкент аэропортида жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган юртимиз терма жамоаси тантана билан кутиб олинди.

Маросимда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, унинг техник ва амалий турларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўтган йиллари спортнинг ушбу турлари оммавийлигини ошириш мақсадида Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳарларида замонавий картадром, Чирчиқ шаҳрида эса халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган спорт мажмуи қурилиб, спортчилар ихтиёрига берилди.

– Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган бундай катта эътибор ва ғамхўрликка жавобан биатлончи йигит-қизларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда, – дейди Республика техник ва амалий спорт турлари маркази раҳбари ўринбосари Шокарим Шоумаров. – Францияда ўтган жаҳон чемпионатида спортчиларимизнинг юқори натижаларга эришгани ҳам бунинг тасдиғидир. Дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан уч юзга яқин тажрибали биатлончи иштирок этган чемпионатда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.

– Мамлакатимизда спортнинг ёзги биатлон тури билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпиони А. Юнусов. – Бунга жавобан биз, спортчилар халқаро майдонларда янада юқори марраларни забт этишга астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

КУРАШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Кураш Халқаро Ассоциациясида ўзбек миллий спорти кураш бўйича жорий ва келаси йилда ўтказилажак халқаро мусобақаларга бағишланган анжуман ўтказилди.

Тадбирда КХА президенти Комилжон Юсупов ҳамда кураш мутахассислари иштирок этди.

– Кураш бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақалар бугун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида муваффақиятли ташкил этилмоқда, – деди К. Юсупов. – Кураш Халқаро Ассоциацияси юзага келганига эндигина ўн йил бўлган бўлсада, бугун ўзбек миллий спорти дунёнинг юздан ортиқ давлатларида ўз федерацияларига эга, шулардан йигирма учтаси Осиё қитъасининг ўзига тўғри келади.

К. Юсупов 2009 йилда Вьетнамнинг Ханой шаҳрида бўладиган 3-Осиё ўйинларига курашнинг расман киритилганлигини эътироф этди. Эътиборлиси, Вьетнамда бўладиган Осиё ўйинларида курашчилар ўнта олтин медаль шодаси учун майдонга чиқишади.

Тадбирда Осиё Олимпия Қўмитасида ҳамда 3-Осиё ўйинларини ташкил этиш штабида Осиё ўйинларида кураш мусобақаларини ўтказиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, жорий йилнинг декабрь ойида Вьетнамда Осиё Олимпия Қўмитаси томонидан кураш мураббийлари ва ҳакамлари учун семинар-машғулотлари ўтказилиши режалаштирилган.

12-17 ноябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтадиган Кураш Халқаро Ассоциациясининг навбатдаги Конгресс ва Ижроқўм йиғилиши ҳамда ёшлар ўртасида бешинчи жаҳон чемпионати бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлади. 2-10 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида ўтказилаётган Якка курашлар фестивалида ҳам Кураш тадбирлари ўтказилмоқда.

«Туркистон-пресс».

ТОШКЕНТДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

4-18 октябрь кунлари пойтахтимиз Тошкент илк бор U-16 (ўн олти ёшгача бўлган) ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилади.

Шу муносабат билан пойтахтдаги Интерконтиненталь меҳмонхонасида Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Япония ҳамда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мураббийлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда қитъамизнинг ўн олтита терма жамоаси пойтахтимизга етиб келгани айтиб ўтилди.

– Бизнинг жамоа сўнгги Осиё чемпионатида олтин медалларни қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллаган эди, – деди Япония ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Икфучи Йутака. – Тошкентдаги чемпионатда ҳар бир жамоа ғолиблик учун курашиши табиий, шунга қарамай жамоамиз биринчи ўринни қўлга киритиш учун астойдил курашади. Мутахассислар чемпионатда асосий ўйинлар Австралия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ҳамда Япония термалари ўртасида кечишини тахмин қилмоқда.

– Футболчилар Осиё чемпионатига ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр, – дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Роберт Гай. – Гарчи гуруҳда Эрон ва Баҳрайн каби кучли жамоалар бўлсада, биз ўз майдонимизда фақат ғалаба учун ўйнаймиз.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси "А" гуруҳидан жой олган бўлиб, Эрон, Баҳрайн ҳамда Сингапур термаларига қарши тўп суради. Ҳар бир гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар навбатдаги босқичга чиқади.

Ўзбекистон терма жамоаси илк учрашувини 4 октябрь куни "Пахтакор" стадионида сингапурлик футболчиларга қарши ўтказади. Ўйинлар "Пахтакор" ҳамда "МХСК" стадионларида бўлади. Финал учрашуви эса 18 октябрда "Пахтакор" стадионида ўтказилади.

Осиё чемпионатида ярим финалга қадар етиб борган жамоалар жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Умид қиламизки, пойтахтимиз мезбонлик қилаётган ушбу мусобақада терма жамоамиз мухлислар ишончини оқлаб, жаҳон чемпионатига йўлланма олади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс».

Об-ҳаво

Республика гидрометеорология марказининг хабарига кўра, 4 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

